

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 1,51 трлн сўми (\$124,44 млн) ташкил этиб, 2024 йил октябр ойига нисбатан 65,64 млрд сўмга ёки 4,16% га камайди.
- Шу билан бирга, 948,31 млрд сўми (\$77,76 млн) ёки 62,78% биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тегишли бўлди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 38 270 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг октябр ойига нисбатан 5 791 тага ёки 17,83% га ошди. Шундан 32 833 та битим котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 5 437 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 68,66 млрд сўми (\$5,66 млн), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 740 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 1,0 фоизга ошиб, 707,76 пунктни ташкил қилди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 926,41 млрд сўми (\$75,96 млн) ташкил этиб, 2024 йилнинг октябр ойига нисбатан 406,73 млрд сўмга ёки 31% га камайди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (796,43 млрд сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 42,11 млрд сўми (\$3,45 млн), битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 442 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 2,69 трлн сўмга ёки 1% га ошиб, 270,62 трлн сўми (\$22,50 млрд) ташкил қилди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 3,74 трлн сўми (\$310,99 млн) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 93 та акция эмитентларининг 135 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида жойлаштирилди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		10/21	10/22	10/23	10/24	10/25
Савдо ҳажми	млн сўм	18 252	13 261	18 261	1 333 134	926 406
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	913	631	870	60 597	42 109
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	3	3	1	47	29
Битимлар сони	дона	6 723	4 630	39 378	28 479	31 726
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	336	220	1 875	1 295	1 442

UCI ИНДЕКСИ

Ой якунига кўра, UCI индекси 1,0 фоизга ошиб, 707,76 пунктни ташкил этди.

2025 йил октябр ойидаги UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 21,91 млрд сўмни (\$1,81 млн) ташкил этиб, 2024 йилнинг октябр ойига нисбатан 21,04 млрд сўмга ёки 25 баробарга ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 995,74 млн сўмни (\$82 115), ўртача кунлик битимлар сони эса 50 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,95 трлн сўмни (\$161,84 млн) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 11 та облигация эмитентларининг 22 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида жойлаштирилди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		10/21	10/22	10/23	10/24	10/25
Савдо ҳажми	млн сўм	0	8 271	2 414	870	21 906
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	0	394	115	40	996
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	0	636	40	4	20
Битимлар сони	дона	0	13	61	215	1 107
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	0	1	3	10	50

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котировкаш варағида 101 эмитентнинг 153 та инструменти киритилди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 5 437 та битим тузилиб, ўтган йилнинг октябрь ойига нисбатан 43,76% га ошди.

Савдолар ҳажми 562,11 млрд сўмни (\$46,68 млн) ташкил этиб, ўтган йилнинг октябрь ойига нисбатан 132,23 фоизга ошди.

108 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.